

**ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ ВА СПОРТ
УНИВЕРСИТЕТИ ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2019.Ped 28.01.РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ ВА СПОРТ
УНИВЕРСИТЕТИ**

МЕЛЬЗИДДИНОВ РУСЛАН АДХАМОВИЧ

**ЎЙИНЛАРАРО ЦИКЛДА МАЛАКАЛИ ФУТБОЛЧИЛАРНИНГ
МАХСУС ЖИСМОНИЙ ТАЙЁРГАРЛИГИНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

**13.00.04-Жисмоний тарбиява спорт машғулотлари назарияси ва
методикаси**

**педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Чирчиқ – 2022

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по педагогическим наукам

Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Contents of dissertation abstract of the doctor of philosophy (PhD) on pedagogical sciences

Мельзиддинов Руслан Адхамович

Малакали футболчиларнинг махсус жисмоний тайёргарлигини ўйинлараро цикллarda такомиллаштириш..... 3

Мельзиддинов Руслан Адхамович

Совершенствование специальной физической подготовленности квалифицированных футболистов в межигровых циклах.....29

Melziddinov Ruslan Adxamovich

Improving the special physical fitness of qualified football players in the inter-game cycles.....55

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works.....59

**ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ ВА СПОРТ
УНИВЕРСИТЕТИ ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2019.Ped 28.01.РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ ВА СПОРТ
УНИВЕРСИТЕТИ**

МЕЛЬЗИДДИНОВ РУСЛАН АДХАМОВИЧ

**ЎЙИНЛАРАРО ЦИКЛДА МАЛАКАЛИ ФУТБОЛЧИЛАРНИНГ
МАХСУС ЖИСМОНИЙ ТАЙЁРГАРЛИГИНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

**13.00.04-Жисмоний тарбия ва спорт машғулотлари назарияси ва
методикаси**

**педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Чирчиқ – 2022

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида №В 2020.3. PhD/Ped.1850. рақам билан рўйхатга олинган.

Докторлик диссертацияси Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме) Илмий кенгаш веб-саҳифасининг www.uz-djti.uz ва «Ziyonet» ахборот-таълим порталининг (www.ziyonet.uz) манзилларида жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Исеев Шамиль Тагирович
педагогика фанлари номзоди, профессор

Расмий оппонентлар:

Кошбахтиев Илдар Ахмедович
педагогика фанлари доктори, профессор

Акрамов Жасур Анварович
педагогика фанлари номзоди, профессор

Етакчи ташкилот:

Мирзо Улугбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт университети ҳузуридаги DSc.03/30.12.2019.Ped.28.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2022 йил “___” _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади. Манзил: 111709, Тошкент вилояти, Чирчиқ шаҳри, Спортчилар кўчаси, 19-уй. Тел.: (0-370) -717-17 79, 717-27-27, факс.: (0-370) 717-17-76, веб-сайт: www.uz-djti.uz, e-mail: uzdjti@uzdjti.uz. Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт университети, “Б” биноси, 2 қават, кичик мажлислар зали.

Диссертация билан Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (_____ рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 111709, Тошкент вилояти, Чирчиқ шаҳри, Спортчилар кўчаси, 19-уй. Тел.:(0-370) -717-17 79, 717-27-27, факс.: (0-370) 717-17-76.

Диссертация автореферати 2022 йил “___” _____ куни тарқатилган.

(2022 йил “___” _____ даги _____-рақамли реестр баённомаси)

М.Р.Болтабаев

Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш раиси, и.ф.д., профессор

М.Х.Миржамолов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
илмий котиби, п.ф.б.ф.д. (PhD), доцент

Ф.А.Керимов

Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш қошидаги илмий семинар
раиси, п.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунёда малакали футболчиларнинг ўйинлараро циклдаги функционал ва жисмоний ишчанлик қобилиятларини ривожлантириш муаммоси соҳа мутахассисларининг диққат марказида бўлиб қолмоқда. Етакчи хорижий мамлакатларда футболчиларнинг ўйинлараро циклдаги функционал, жисмоний, техник-тактик ва тезкор-куч тайёргарликларининг гуруҳли ва индивидуал машғулот дастурларини ишлаб чиқиш зарурияти юзага келмоқда. Лекин ўйинлараро циклда спорт формасини юқори даражада сақлаб туришга йўналтирилган тадқиқотлар мусобақалар вақтида мураккаб эканлиги туфайли фрагментар хусусиятга эга бўлмоқда.

Жаҳонда жисмоний тарбия ва спорт соҳасида профессионал футбол амалиётида инновацион технологияларни жорий қилиш юқори натижаларга эришишда устувор муаммолардан бири ҳисобланмоқда. Хусусан, ўйинлараро циклда юқори малакали футболчиларни тайёрлаш услубиятини ривожлантириш ва такомиллаштиришнинг оқилона йўллари ва усулларини излаб топишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Шу билан бирга, хориж мутахассислари томонидан, халқаро мусобақаларда иштирок этадиган футболчиларнинг махсус жисмоний тайёргарлиги даражасини оширишга бағишланган кўплаб илмий изланишлар олиб борилмоқда. Футболчиларни бутун ўйин давомида ўйин ҳаракатларини юқори самарада бажара олмаслиги, айниқса, халқаро даражадаги ўйинларда яққол кўринади. Кўпчилик ўйинчиларда иккинчи таймининг ўртасида ва якунида диққатни жамлаш, бир ҳаракат амалидан бошқасига ўтиш тезлиги, ҳаракатланиш тезлиги, ўйин усулларини бажариш аниқлиги ва ишончлилиги пасайиши қайд қилинмоқда. Бундай ҳолат узоқ муддатли машғулот самарасини берадиган жисмоний таъсирларнинг ҳажми ва йўналтирилганлигини режалаштиришда инновацион ёндашувлар етарли ишлаб чиқилмаганлигидан далолат беради.

Республикамизда спорт илм-фани олдига қўйилган вазифаларни амалга ошириш ўзбек спортчиларини спорт-техник натижаларининг ўсиш суръатларини таъминлашга қодир бўлган юқори малакали спортчиларни тайёрлаш тизимини такомиллаштиришнинг янги йўллари излаб топишни талаб этади. “Мамлакат футболини ривожланган мамлакатлар билан рақобат қила оладиган даражага етказиш, футбол бўйича мутахассисларни халқаро талаб ва стандартлар асосида тайёрлаш, футбол клублари фаолиятини ривожлантириш, термажамоалар учун ўқув-машқ жараёнини самарали ташкил этиш”¹ вазифаси белгилаб берилган. Футбол назарияси ва услубиятида, бир томондан, малакали футболчиларнинг жисмоний тайёргарлиги даражасига қўйиладиган мусобақа даврининг ўйинлараро цикларида махсус жисмоний тайёргарлик самарадорлигини ошириш заруратини келтириб чиқарувчи

¹Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 4 декабрдаги ПФ-5887-сон “Ўзбекистонда футболни ривожлантиришни мутлақо янги босқичга олиб чиқиш чора-тадбирлари тўғрисида” ги Фармони <https://lex.uz/> 1-б

талабларнинг ҳақиқатдан ҳам ортганлиги, бошқа томондан – ўйинлараро циклларда футболчиларнинг техник-тактик маҳорати самарадорлигини оширишга кўмаклашадиган машғулот юкламаларини режалаштириш муаммосининг етарлича ишлаб чиқилмаганлиги орасида қарама-қаршилик пайдо бўлган. Малакали футболчиларнинг махсус жисмоний тайёргарлигини мажмуавийлик тамойилларига, ўйинчиларнинг асосий ҳаракат сифатларини ривожлантиришга йўналтирилган машғулот таъсирларини вариативлиги ва табақалаштирилганлигига асосланган ҳолда ўйинлараро циклларда такомиллаштиришнинг инновацион дастурини ишлаб чиқиш талабини кўймоқда.

Мазкур диссертация иши Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатларстратегияси тўғрисида”ги, 2019 йил 4 декабрдаги ПФ-5887-сон “Ўзбекистонда футболни ривожлантиришни мутлақ янги босқичга олиб чиқиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармонлари ҳамда республикада футболни ривожлантиришга қаратилган бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга ошириш учун муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологияларини ривожлантиришнинг устувор йўналишларига боғлиқлиги. Ушбу тадқиқот республика фан ва технологияларини ривожлантиришнинг I. “Ахборотлашган жамият ва демократик давлатнинг ижтимоий-ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожланишида инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва амалга ошириш” устувор йўналиши доирасида амалга оширилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Малакали футболчиларнинг махсус жисмоний тайёргарлигини такомиллаштириш муаммоси долзарблигича қолмоқда. Бугунги кунгача йиллик цикл босқичларида футболчиларнинг жисмоний тайёргарлигини ривожлантиришга қаратилган усул ва воситалар, машғулот юкламаларини ҳамда уларнинг жисмоний тайёргарлик даражасини назорат қилиш тизими ўрганилган [Скоморохов Е.В., Ю.М.Арестов, М.А.Годик, М.Барамидзе, А.В.Лексаков, Новокшенов И.Н., Беляков А.К., Годик, М.А., Л.В. Слущкий, Г.С. Лалаков]².

²Скоморохов Е.В. Комплексный контроль и методы совершенствования специальной подготовленности высококвалифицированных футболистов: автореф. дис. канд.пед.наук. – Малаховка, 1980. – 25с.; Арестов Ю.М., Годик М.А. Подготовка футболистов высших разрядов: учебное пособие для слушателей ВШТ. М., ГЦОЛИФК. 1980. – 127 с.; Барамидзе А. М. Построение тренировки в подготовительном периоде футболистов высокой квалификации: автореф. дис. канд. пед. наук. - М., 1990. - 23 с.; Лексаков А.В. Планирование силовой подготовки в структуре нагрузок подготовительного периода футболистов групп спортивного совершенствования: дис. канд. пед. наук / А.В. Лексаков. - М., РГАФК, 1998. - 112 с.; Новокшенов И.Н. Специальная физическая подготовка футболистов различных игровых амплуа на этапе спортивного совершенствования: автореф. дис. ...канд. пед. наук / И.Н. Новокшенов. -Волгоград, 2000. – 25с.; Беляков А.К. Динамика скоростно-силовой подготовленности квалифицированных футболистов в соревновательном периоде / А.К. Беляков, А. Гидар Сабир // Теория и практика футбола. - 2003. - № 3. - С. 18-21. Годик М.А. Физическая подготовка футболистов / М.А. Годик. -М.: Терра-Спорт, Олимпия Пресс, 2006. - 272 с. ил.; Слущкий Л.В. Управление физической подготовкой футболистов на основе контроля соревновательной двигательной деятельности: дис. канд. пед. наук. –М., 2009. – 116 с.; Лалаков Г.С. Исследование влияния тренировочных микроциклов различной направленности у футболистов 16-18 лет / Г.С. Лалаков, В.В. Козин,

Бироқ малакали футболчиларнинг мусобақа давридаги ўйинлараро циклларда махсус жисмоний тайёргарлик даражасини такомиллаштириш билан боғлиқ масалаларни ишлаб чиқиш ва экспериментал асослаш лозим.

Диссертация тадқиқотининг олий таълим муассасасининг илмий тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация иши Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт университетининг илмий тадқиқот режаларига мувофиқ I-V “Малакали футболчиларни тайёрлаш ва уларнинг профессионал маҳоратини оширишда янги самарали услубларни ишлаб чиқиш ва такомиллаштириш” мавзуси бўйича фундаментал лойиҳа доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади. Ўйинлараро циклларда малакали футболчиларнинг махсус жисмоний тайёргарлигини такомиллаштириш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

малакали футболчиларни махсус жисмоний тайёргарлигини такомиллаштиришда, инновацион компьютер технологияларидан фойдаланиб жисмоний ва функционал имкониятларини аниқлаш ҳисобига ўйинлараро циклларда машғулот юкламаларини коррекциялаш;

анаэроб-алактат, анаэроб-гликолитик ва аэроб йўналишлардаги машғулот юкламаларини ўйинлараро циклдаги оқилона тузилишини ишлаб чиқиш;

ўйинлараро циклларда малакали футболчиларнинг махсус жисмоний тайёргарлигини ривожлантириш бўйича дастурларни ва назорат тестларини ишлаб чиқиш ҳамда шиддатли юкламаларни ошириш услубиятини такомиллаштириш;

футболчиларнинг махсус жисмоний тайёргарлик даражасидан келиб чиқиб, махсус ихтисослаштирилган машқларнинг солиштирма миқдорини оширишасосида мусобақа фаолияти самарадорлигини яхшилаш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида юқори малакали футболчиларнинг машғулот жараёни олинган.

Тадқиқотнинг предметини ўйинлараро циклларда юқори малакали футболчиларнинг махсус жисмоний тайёргарлигини такомиллаштириш мазмуни, шакллари, воситалари ва усуллари ташкил қилади.

Тадқиқотнинг усуллари Тадқиқотда илмий-методик адабиётлар таҳлили, сўровнома, спортчиларнинг физиологик ва психологик ҳолатларини баҳолаш методикаси, педагогик назорат ва педагогик тестлаш, педагогик тажриба, математик-статистика усулларида фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

малакали футболчиларни махсус жисмоний тайёргарлиги инновацион компьютер технологиялари ёрдамида “Стабилан 01-2” қурилмасида нейродинамик хусусиятлар, “StabMed 2.0” дастури ва “Polar Team Pro”да энергия ва ҳаракат тизими таъминоти, “СЗМР-3”да мураккаб визуал-мотор

реакцияси тезлигини баҳолаш усули билан ақлий компонент кўрсаткичларини ўз вақтида аниқлаш ҳисобига ўйинлараро циклларда машғулот юкламаларини коррекциялаш имконияти кенгайтирилган;

малакали футболчиларнинг махсус жисмоний тайёргарлик даражасидан келиб чиқиб, анаэроб-алактат, анаэроб-гликолитик ва аэроб йўналишлардаги машғулот юкламаларини ўйинлараро циклларда такомиллаштириш учун ривожлантирувчи ҳамда ёндаштирувчи машқларнинг ўйинчиларнинг қайта тикланиш тезлиги бўйича рационал тузилишини ишлаб чиқиш ҳисобига асосий мусобақаларга тайёрлаш имконияти кенгайтирилган;

машғулот юкламалари асосий компонентларининг психофизиологик: сезгирлик тезлиги, турли мушак гуруҳларининг максимал кучи, кўриш анализатори функциялари; техник-тактик: тўпни эгаллаш вақти, турли масофаларда тўп узатишлар аниқлигини ошириш учун функционал ва жисмоний тайёргарлик даражасидан келиб чиқиб, максимал шиддатда отилиб чиқишлар билан бажариладиган «Ҳо-Ҳо» назорат тестини киритиш ҳисобига шиддатли юкламаларни ошириш услубияти такомиллаштирилган;

малакали футболчиларда катта ҳажмдаги махсус ишларни талаб қилувчи функционал базани шакллантириш даражасидан келиб чиқиб, тайёргарлик даври учун мусобақага оид микроциклларда жалб қилувчи циклни қисқа муддат бўйича машғулотга киритиш ҳисобига мусобақа даврига яқинлашиш билан махсус ихтисослаштирилган машқларни солиштирма миқдорини ошириш имконияти кенгайтирилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

ишлаб чиқилган дастурлар мусобақа давридаги ўйинлараро циклларда юқори малакали футболчиларнинг юқори даражадаги махсус жисмоний тайёргарлигига эришиш механизмлари ҳақидаги базавий назарий билимлар илмий асосланган;

футболчиларнинг ўйинлараро циклларда махсус жисмоний тайёргарлик даражасини такомиллаштириш бўйича ишлаб чиқилган дастурларнинг самарадорлиги тасдиқланган, улардан U-23 олимпия терма жамоасини саралаш турнирига ва “Бунёдкор” жамоасининг малакали футболчиларини Ўзбекистон чемпионатига тайёрлаш жараёнида фойдаланилган;

ўйинлараро циклларда футболчиларнинг махсус жисмоний тайёргарлигини ошириш услубиятидан фойдаланиш – махсус машқларнинг мазмунини, уларни бажариш шартларини оптималлаштириш имконини беради, бу эса ўйин фаолияти жараёнида иш қобилиятини ошириш ва техник-тактик вазифаларни самарали ҳал этишга қаратилган малакали футболчиларни тайёрлашни сифат жиҳатидан яхшилашга имкон берган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги кўриб чиқиладиган муаммони ўрганишга комплекс ёндашув; тадқиқотнинг назарий ва услубий базасини етарли даражада асослаш ва асосий назарий қоидаларнинг изчиллиги, уларнинг замонавий спортни ривожлантириш тенденцияларига мослиги; тадқиқотнинг мақсад ва вазифаларига мос инновацион компьютер технологиялари ва ахборот усулларида фойдаланилганлик; педагогик

тажрибанинг давомийлиги; асосий тадқиқот натижаларининг барқарор такрорийлиги ва олинган маълумотларнинг репрезентативлиги; тадқиқот натижаларининг тўғри статистик қайта ишланганлиги; иш натижаларининг кенг апробация қилинганлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шундан иборатки, тадқиқот жараёнида олинган маълумотлар футбол назарияси ва услубиятини бойитилишига маълум бир ҳисса қўшади, футбол спорт тури бўйича мусобақа давридаги ўйинлараро циклларда мураббийларнинг малакали футболчилар маҳоратини ошириш муаммосига бўлган ёндашувларини кенгайтиришга имкон беради ҳамда мураббийлар тажрибасини оширишнинг услублари ва ташкилий шакллари ишлаб чиқиш учун лмий-назарий асос бўлиб хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундан иборатки, малакали футболчиларни мусобақа босқичида замонавий тайёрлашда етакчи ва илғор тенденцияларни очиб беришга имкон берувчи футбол клублари учун машғулот режаларини ишлаб чиқиш, шунингдек, жисмоний тарбия олий таълим муассасаларида футбол ихтисослиги талабалари учун “Спорт педагогик маҳоратини ошириш” фани бўйича ўқув жараёнидаги муаммоларни самарали ҳал этиш имконини беради.

Тадқиқот натижаларининг жорий этилиши.

Ўйинлараро циклларда футболчиларнинг махсус жисмоний тайёргарлигини ошириш методикасини қўллаш бўйича назарий ва амалий тавсиялар асосида:

инновацион компьютер технологияларидан фойдаланиб, малакали футболчиларни махсус жисмоний ва функционал имкониятларини аниқлаш ҳисобига ўйинлараро циклларда машғулот юкламаларини коррекциялаш бўйича таклиф ва тавсиялар Ўзбекистон U-23 терма жамоаси футболчиларининг машғулот жараёнига татбиқ этилган (Ўзбекистон Республикаси Туризм ва спорт вазирлигининг 2021 йил 24 майдаги 04-07-08/1690-рақамли маълумотномаси). Натижада Ўзбекистон U-23терма жамоаси ўйинчиларининг ўйин жараёнидаги техник-тактик ҳаракатлари самарадорлиги 12% га ошган ҳамда олимпия циклининг саралаш ўйинлари турнирида чорак финалга йўлланма олинган;

малакали футболчиларнинг махсус жисмоний тайёргарлик даражасидан келиб чиқиб, турли йўналишлардаги машғулот юкламаларини ўйинлараро циклда такомиллаштириш учун ривожлантирувчи ҳамда ёндаштирувчи машқларни бажаришда ўйинчиларнинг қайта тикланиш тезлиги бўйича рационал тузилиши ишлаб чиқилган ва “Бунёдкор” профессионал футбол клубининг ўқув-машғулот жараёнига жорий қилинган (“Бунёдкор” профессионал футбол клубининг 2019 йил 20 декабрдаги 1985/26-03 рақамли далолатномаси). Натижада, “Бунёдкор” профессионал футбол клуби 2019 йилги Ўзбекистон суперлига чемпионатида учинчи ўринни эгаллаган;

“Юқори малакали футболчиларнинг махсус жисмоний тайёргарлиги даражасини такомиллаштириш дастури”ни қўллаш бўйича таклиф ва

тавсиялар Ўзбекистон U-23терма жамоасининг ўқув-машғулот жараёнига жорий қилинган (Ўзбекистон Республикаси Туризм ва спорт вазирлигини 2021 йил 24 майдаги 04-07-08/1690-рақамли маълумотномаси). Натижада, футболчиларнинг махсус жисмоний тайёргарлик даражаси 12 %га ошган.

малакали футболчиларда катта ҳажмдаги махсус ишларни талаб қилувчи функционал базани шакллантириш даражасидан келиб чиқиб, тайёргарлик даври учун мусобақага оид микроциклларда жалб қилувчи циклни қисқа муддат бўйича машғулотга киритиш бўйича таклифлар “Бунёдкор” профессионал футбол клубининг ўқув-машғулот жараёнига жорий қилинган (Ўзбекистон Республикаси Туризм ва спорт вазирлигининг 2021 йил 24 майдаги 04-07-08/1690-рақамли маълумотномаси). Натижада, футболчиларнинг иш қобилияти даражаси 18%га ошган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқотнинг асосий натижалари 2 та халқаро ва 2 та республика миқёсидаги илмий-амалий анжуманларда, ЎзДЖТСУ Футбол назарияси ва услубияти кафедрасининг кенгайтирилган йиғилишида муҳокамадан ўтказилди.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертациянинг энг муҳим натижалари бўйича 10 та илмий ишлар турли даврий нашрларда, шу жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси томонидан докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этишга тавсия этилган илмий журналларда 3 та мақола (2 та республика ва 1 та хорижий) чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация иши кириш қисми, 4 бобдан иборат бўлиб, 154 саҳифа матн, 13 та расм, 20 та жадвал, хулоса, амалий тавсиялар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан ташкил топган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг **кириш** қисмида мавзунинг долзарблиги ва зарурати, тадқиқотнинг республика фан ва технологиялар ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, диссертация мавзусининг тадқиқот бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги, тадқиқотнинг мақсади, вазифалари, объекти, предмети, усуллари, илмий янгилиги, амалий натижалари, тадқиқотдан олинган натижаларнинг ишончлилиги, тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти, жорий этилиши, апробацияси, эълон қилинганлиги, диссертациянинг тузилиши ва ҳажми ҳақида маълумотлар берилган.

Диссертациянинг **“Юқори малакали спортчилар тайёргарлигини бошқаришнинг назарий қоидалари”** деб номланган биринчи бобида спортчиларни тайёрлаш муаммосини тизимли таҳлил қилиш натижалари кўрсатилган; уларнинг тайёргарлигини бошқаришнинг умумий назарий қоидалари очиқ берилган; “жисмоний тайёрлаш” ва “жисмоний тайёргарлик” тушунчаларига тушунтириш берилган; футболчиларнинг махсус жисмоний

тайёргарлигининг аҳамияти уларнинг мусобақа фаолияти самарадорлиги омилларидан бири сифатида кўрсатиб берилган.

Футболнинг замонавий тенденциялари ҳамда рақибнинг қаттиқ қаршилиги шароитида, вақт ва макон тақчиллигида ҳамда бунда максимал ва максималга яқин тезликда ҳаракатланиб ва бу вазиятда бутун ўйин давомида ҳаракат фаоллигини сақлаб қолиб, ўйин ҳаракатларини юқори самарадорлик ва аниқликда амалга ошириш қобилиятига бўлган талабларнинг ортганлиги сабабли, футболчиларнинг махсус жисмоний тайёрлаш услубиятига бўлган баъзи анъанавий ёндашувларни қайта кўриб чиқиш зарурати пайдо бўлди.

Илмий-услубий ва махсус адабиётларнинг назарий таҳлили, мусобақа даврининг ўйинлараро цикларида малакали футболчиларнинг махсус жисмоний тайёргарлигини такомиллаштириш дастурларини ишлаб чиқиш ва тажрибада асослашни ўз ичига олган тадқиқот муаммосини аниқлашга имкон яратди.

Диссертациянинг **“Тадқиқот усуллари ва уни ташкил қилиниши”** деб номланган иккинчи бобида тадқиқот усуллари, синалувчиларнинг тавсифи, педагогик тажрибани ташкил этишнинг хусусиятлари ва тадқиқотни тўртта босқичининг ҳар бири бўйича ишни олиб боришнинг тузилиши баён этилган.

Биринчи босқич (2017 й.) малакали спортчилар ва футболчиларнинг махсус жисмоний тайёргарлиги назарияси ва услубияти муаммосини таҳлил қилиш билан боғлиқ, хусусан, тадқиқот объекти, предмети, мақсади, вазибалари ва усуллари аниқланган. Бу босқичда ишчи фараз шакллантирилди. Унинг моҳияти шундаки, махсус жисмоний тайёргарлик даражаси, ўйинлараро циклларда ҳамда мусобақа фаолияти кўрсаткичларини машғулот юкламаларининг ҳажми ва йўналишини таҳлил қилиш футболчиларнинг махсус жисмоний қобилиятларини такомиллаштиришга қаратилган дастурларни ишлаб чиқиш ва тажрибада асослаб бериш имконини беради, уларнинг тайёргарлик самарадорлигини ва мусобақалардаги муваффақиятини оширади.

Иккинчи босқичда (2018 й.) футболда махсус жисмоний тайёргарлик даражасига таъсир қилувчи омиллар аниқланди, футболчиларнинг махсус жисмоний тайёргарлигини ривожлантириш ва такомиллаштиришга қаратилган усул ва воситалар ўрганилди, футболчиларнинг махсус жисмоний тайёргарлиги даражасини педагогик тестлаш ва футболчилар организмнинг функционал тизимлари даражасининг тиббий-биологик текшируви ўтказилди; турли давомийликдаги ўйинлараро циклларда машғулот юкламаларининг ҳажми ва йўналиши ўрганилди ҳамда футболчиларнинг мусобақа фаолияти таҳлил қилинди.

Учинчи босқичда (2019 й.) тажриба ўтказилди ва ўйинлараро циклларда малакали футболчиларнинг махсус жисмоний тайёргарлик даражасини такомиллаштириш бўйича ишлаб чиқилган дастурларнинг самарадорлиги синовда текширилди. 8 ой давом этган тажриба мусобақа даврининг биринчи

доирасида (марта) бошланиб, мусобақа даври ойининг иккинчи доираси ўрталарида ўз ниҳоясига етди (октябрь).

Тўртинчи босқичда (2020 й.) олинган тажриба маълумотларини статистик қайта ишлаш, уларни таҳлил қилиш ва шарҳлаш, умумий хулосаларни шакллантириш ва диссертация ишини расмийлаштириш амалга оширилди.

Тадқиқотда Ўзбекистон Суперлига чемпионатида қатнашувчи 378 нафар футболчи иш тирок этди, улардан 28 нафари миллий терма жамоа футболчилари, 25 нафари U-23 олимпия терма жамоаси футболчиларидан иборат бўлди. Спортчиларнинг ёши 18-30 ёш атрофида бўлиб, уларнинг барчаси футбол бўйича 1-катталар тоифасига ва камида 10 йиллик футбол тажрибасига эга.

Диссертациянинг **“Турли малакага эга футболчиларнинг махсус жисмоний тайёргарлиги даражасини тадқиқ этиш”** деб номланган учинчи бобида футболчиларнинг махсус жисмоний тайёргарлиги муаммоси бўйича мутахассислар билан ўтказилган сўровнома натижалари таҳлил қилинган, юқори малакали футболчиларнинг функционал ва махсус жисмоний тайёргарлиги даражаси аниқланган, турли даражадаги ўйинларда футболчиларнинг мусобақа фаолияти таҳлил қилинган.

Олиб борилган сўровномалар таҳлили, футболчиларнинг мусобақа давридаги махсус жисмоний тайёргарлик даражасини такомиллаштириш муаммоси бўйича мураббийларнинг фикрлари турлича эканини кўрсатди.

44,8% мураббийларнинг фикрича, футболчиларнинг махсус жисмоний тайёргарлиги даражасини оширишга қаратилган ўйинлараро циклларда юкломаларни режалаштириш зарур. 21,5% мураббийлар ўйинлараро циклларда футболчиларнинг махсус жисмоний тайёргарлиги даражасини махсус машқлардан фойдаланган ҳолда такомиллаштириш устида ишлаш кераклигини таъкидлашган. 33,7% мутахассислар ўйинлараро циклларда футболчиларнинг махсус жисмоний тайёргарлиги даражасини фақат тақвим ўйинларида иштирок этиш орқали ошириш мумкин, деб ҳисоблашади.

Функционал тайёргарлик даражаси таҳлили футболчиларда гавда тузилиши каби, функционал кўрсаткичларида ҳам индивидуал фарқлар мавжудлигини кўрсатди (1-жадвалга қаранг).

Ёғ массасининг таҳлили шуни кўрсатдики, фақат 3 нафар футболчи (12%) керакли меъёрларга жавоб берадиган кўрсаткичларга эга бўлиб, 21 нафар спортчида (88%) модель қийматлардан юқори бўлган.

Фақатгина 6 нафар (25%) футболчида КМЎ юқори даражада, 7 нафарида (29%) ўртача даражада ва 11 нафарида (46%) паст даражада эканлиги аниқланди. Бу маълумотлар жамоадаги футболчиларнинг деярли ярмида кардиореспиратор тизимнинг етарли даражада ривожланмаганлигидан далолат беради.

АНАЧ кўрсаткичлари таҳлилидан ҳам футболчиларнинг 19 (79%) нафари паст даража, 5 (21%) нафари ўртача даражага эга экани аниқланди.

U-23 олимпия терма жамоаси футболчиларининг функционал тайёргарлик кўрсаткичлари (n=24)

т/р	Кўрсаткичлар	Модель кўрсаткич	Паст даража		Ўртача даража		Юқори даража	
			Футболчилар сони	%	Футболчилар сони	%	Футболчилар сони	%
1	Ёғ массаси (%)	8-12 %	3	12	4	17	17	71
2	Кислороднинг максимал ўзлаштирилиши (КМЎ)	60 мл/кг	11	46	7	29	6	25
3	Анаэроб алмашинув чегараси (АНАЧ)	68 ммоль л-1	19	79	5	21	-	-

Изоҳ: ёғ массасининг паст 8-10%; ўртача 11-12%; юқори 13% даражаси.

Ташқи нафас олиш функцияси таҳлили қуйидагиларни аниқлашга имкон берди: 84% футболчиларда кўрсаткичлар меъёр даражасида, 16% да эса меъёрдан турлича оғишлар бор.

Периферик қоннинг ўтказилган иммунологик ва биокимёвий тадқиқотлари шуни кўрсатдики, текширилган футболчиларнинг 48% да креатинин, умумий креатинкиназ ва креатининкиназ фракцияси меъёрий қийматларга нисбатан сезиларли даражада ошган. Вирусологик тадқиқотлар 24% футболчиларда «торч-инфекция» мавжудлигини кўрсатди. Эпидемиологик ва инфекцион текширишлар натижасида 28% футболчиларда паразитар касалликлар мавжудлиги аниқланди.

Психофизиологик функцияларни баҳолаш натижаси қуйидагиларни намоён қилди: 8% футболчиларда вертикал барқарорлик юқори даражада, 71% да ўрта ва 21% да паст; 17% футболчилар мувозанатни ушлаб туриш тизимининг яхши ҳолатига эга; 33% – ўртача ва 50% – мувозанатлаштириш реакцияларининг паст даражасига эга, 64% футболчилар юқори тезликдаги сенсомотор реакцияга эга, 20% да сигнал узатишнинг ўртача тезлиги ва 16% да паст тезлиги аниқланди, 59% футболчиларда барқарорлик ва диққатни жамлаш паст даражада, 37% да ўрта ва ўрта даражадан юқори, 75% футболчи ахборотни қайта ишлаш вақтининг паст, 17% ўртача ва 8% юқори кўрсаткичига эга. Аниқланган ўзгаришлар футболчиларнинг махсус жисмоний кўрсаткичларининг ўсишида чекловчи омил ҳисобланади.

Педагогик тест-синов натижалари Суперлига футболчиларининг махсус жисмоний тайёргарлик даражаси бир хил эмаслигини кўрсатди. Шундай қилиб, футболчиларнинг бошланғич тезлигини тавсифловчи “10 метрга югуриш” меъёрида ўртача $\bar{X}=1,85\pm 0,02$ с, тезкорлик қобилиятини баҳоловчи “30 метрга югуриш” меъёрида – $\bar{X}= 4,29\pm 0,03$ с. Футболчиларнинг тезлик-куч қобилиятини тавсифловчи “Турган жойдан узунликка сакраш” меъёрида – $\bar{X}=2,61\pm 0,17$ м. Тезлик чидамлилиги даражасини тавсифловчи “7х50 м моккисимон югуриш” меъёрида $\bar{X}_{\text{ўр}}= 62,3\pm 2,6$ с. Махсус чидамlilik

ва тикланиш тезлиги даражасини тавсифловчи «YO-YO» тестида – $\bar{X}_{\text{ўр}} = 813,5 \pm 56,8\text{м}$.

Махсус жисмоний тайёргарлик кўрсаткичларидан бири ўйин жараёнида футболчиларнинг ҳаракатланишлари ҳисобланади. Ушбу кўрсаткични баҳолаш U-23 терма жамоасининг 2018 йилда ўтказилган «Dubai Cup» халқаро турнири учрашувларидаги иштироки даврида амалга оширилди. «Team Polar Pro» тизими ёрдамида 19 та параметрлар рўйхатга олинди. 2-жадвалда футболчиларнинг ўйинларда турли тезликда бажарилган ҳаракатлари ҳақида маълумотлар келтирилган.

2-жадвал

U-23 терма жамоаси футболчиларининг турли тезликда югуриб ўтган масофалари кўрсаткичлари (%)

№	Жамоалар	Тезлик (%)							Тезланишлар сони	Спринтлар сони
		0-0,82 м/с	0,83-1,66 м/с	1,67-3,05 м/с	3,06-4,15 м/с	4,16-5,27 м/с	5,28-6,94 м/с	$\geq 6,95$ м/с		
1	Япония	5,7	33,2	27	20,5	8,3	4,1	1,2	175	118
2	Кувайт	3,0	38,1	22	19,2	10,1	6,7	0,9	366	241
3	БАА	7,2	35	21	20	10	6	0,8	345	132
	$\bar{X}_{\text{ўр}}$	5,3	35,4	23,3	19,9	9,4	5,6	0,9	295	163

Биринчи тўртта тезлик оралиғи ҳаракат фаоллиги алмашинувининг аэроб зонасини ифодалайди. Тезликнинг ҳар бир компонентиди босиб ўтилган масофанинг ўзгариш тузилиши ва тавсифи таҳлили шуни кўрсатдики, футболчиларнинг катта фоизи $V=0,83-4,15\text{м/с}$ тезлик оралиғида ҳаракатланиб, ҳаракатланишлар умумий сонининг 78,6% ни ташкил этган. $V=5,28-6,94\text{м/с}$ тезлик оралиғидаги ҳаракатланишлар 5,6% ни ташкил этди. Футболда тезликларнинг жуда муҳим бурилиш нуктаси оралиғи $V = \geq 6,95\text{ м/с}$ бўлиб, у 0,9% ни ташкил этган, холос.

3-жадвалда 2018 йилги мавсумда 5 та етакчи клубларнинг ҳаракат фаоллигининг ўртача маълумотлари келтирилган.

Кўришиб турибдики, Суперлига футболчиларининг ҳаракат фаоллиги умумий ҳажми юқори эмас ва $97954 \pm 220\text{м}$ ни, минимал қиймати эса $94343 \pm 187\text{м}$ («Навбахор» ФК) ва максимал қиймати – 101110 ± 196 («Пахтакор» ФК) ни ташкил этади. Олинган маълумотларга кўра, Суперлиганинг энг яхши клублари футболчилари ҳаракатланишларнинг 63% – катта ҳажмини $V = 1,0-11,99\text{ км/с}$ тезлик оралиғида энергия таъминоти режимида ишлаб чиқаришади. Анаэроб энергия таъминотини талаб қиладиган тезликлар оралиғида футболчилар бир ўйинда фақатгина 0,7% - 2,7% ҳаракатланишларни бажарадилар.

3-жадвал

2018 йилда Суперлига жамоаларининг ҳаракат фаоллиги кўрсаткичлари \bar{X} (n=35)

Клублар	Умумий масофа [м]	Тезлик зонасида 1 [м] (1.00 – 11.99 км/с)	Тезлик зонасида 2 [м] (12.00 – 16.99 км/с)	Тезлик зонасида 3 [м] (17.00 – 21.99 км/с)	Тезлик зонасида 4 [м] (22.00 – 26.99 км/с)	Тезлик зонасида 5 [м] (27.00 – км/с)
“Пахтакор”	101110±196	66230 ±213	23575 ±344	7567 ±130	3020±112	718 ±94
“Локомотив”	98237±202	62158 ±311	24344±459	7867 ±221	3071 ±139	797 ±52
“Бунёдкор”	97369±218	63415 ±190	25671±298	5531 ±189	2189 ±122	563 ±66
“Насаф”	98705±297	57872 ±421	33215±541	3928 ±142	2648 ±201	1042 ±116
“Навбахор”	94343±187	55737 ±365	30867±423	4465 ±203	2677 ±110	597 ±98
\bar{X} ўр	97952±220	61082±300	27534±413	5871±177	2721±136	743±85

Олинган маълумотларни ўрганиш Ўзбекистон футболчилари секин ва ўрта тезликлар зонасида ($V=05,27$ м/соат гача) ҳаракатланишлари бўйича чет эл спортчиларига ён бермаса ҳам, спринт отилиб чиқишлар зонасида ($V \geq 7,0$ м/с) барча терма жамоа рақибларига мағлуб бўлади, деган хулосага келиш имконини беради. Ҳаракат фаоллигининг айнан шу зоналарида, одатда, бошқа барча шароитлар тенглигида ўйинлар натижаси ҳал бўлади.

Футболчилар фаоллиги кўрсаткичларидан бири ўйин вақтининг турли ораликларида бажариладиган ўйин техникасининг сифати ҳисобланади (4-жадвалга қаранг).

4-жадвал

Ўзбекистон U-23 терма жамоаси футболчиларининг ўйин ҳаракатлари самарадорлиги кўрсаткичлари

Ўйин вақти қисмлари	Япония		Қувайт		БАА	
	ТТХ	хато %	ТТХ	хато %	ТТХ	хато %
1 – 15 дақ	166	32	177	28	142	38
16 – 30 дақ	138	33	136	22	165	40
31 – 45 дақ	119	43	97	38	133	49
<i>Жами 1 тайм мобайнида</i>	423	36	410	29,3	440	42,3
46 – 60 дақ	144	35	138	31	159	30
61 – 75 дақ	159	32	121	27	144	38
76 – 93 дақ	102	48	101	39	113	46
<i>Жами 2 тайм мобайнида</i>	405	38,3	360	32,3	416	38
Жами ўйин мобайнида	828	37,1	770	30,8	856	40,1

Изоҳ: ТТХ – техник-тактик ҳаракатлар.

Аниқланишича, ўйиннинг 31- ва 76-дақиқаларидан сўнг чарчоқ тўпланиб, ўйинчиларда диққатни жамлаш пасаяди ва хатолар сони ортиб боради, ТТХ ($P < 0,05$) нинг умумий сони сезиларли даражада пасаяди ва нотўғри бажарилган усуллар фоизи ортиб боради ($P < 0,05$). Махсус жисмоний машқлар қанчалик паст бўлса, бу тенденция шунчалик кучли намоён бўлади.

Жисмоний тайёргарлик даражасининг синов натижалари маълумотлари, ўйин жараёнидаги техник-тактик ҳаракатлар ва ҳаракат фаоллиги таҳлили, футболчиларнинг махсус жисмоний тайёргарлиги даражасини оширишга қаратилган ўйинлараро циклларда машғулот юкламалари дастурларини ишлаб чиқиш зарурлигини кўрсатади.

“Ўйинлараро циклларда малакали футболчиларнинг махсус жисмоний тайёргарлигини такомиллаштириш дастурларини назарий ишлаб чиқиш ва тажрибада асослаш” деб номланган тўртинчи бобда малакали футболчиларнинг махсус жисмоний тайёргарлигининг асосий жиҳатлари кўрсаткичлари ва тажриба дастурлари тузилиши ўртасидаги ўзаро боғлиқликлар таҳлили келтирилган. Дастурларни ишлаб чиқишдан аввал футболчилар махсус жисмоний тайёргарлигининг турли жиҳатлари кўрсаткичларининг ўзаро боғлиқликлари корреляцион таҳлили амалга оширилди (5-жадвалга қаранг).

5-жадвал

Футболчиларнинг махсус жисмоний тайёргарлиги асосий томонларининг корреляцион ўзаро боғлиқликлари матрицаси (n=62)

Кўрсаткичлар	Тана узунлиги	Тана вазни	PWC 170	КМЎ	Жойида н туриб 10м га югуриш	30м га югуриш	Узунликка сакраш	7x50 м га моккисимон югуриш	“Ҳо-Ҳо”
Тана узунлиги	п								
Тана вазни	0,821	п							
PWC ₁₇₀ /вазн	-0,122	-0,118	п						
КМЎ/вазн	-0,464	-0,528	0,984	п					
Жойидан туриб 10м га югуриш	0,065	-0,102	0,066	-0,171	п				
30м га югуриш	0,024	0,013	0,148	0,141	0,586	п			
Узунликка сакраш	0,386	0,366	-0,132	-0,184	0,565	0,440	п		
7x50 м га моккисимон югуриш	0,324	0,296	-0,512	-0,340	0,172	0,145	0,174	п	
“Ҳо-Ҳо” тести	-0,110	-0,056	0,598	0,564	-0,026	-0,021	0,016	-0,445	п

Изоҳ: ишончли ўзаро боғлиқликлар қалин шрифтда ажратилган.

Футболчилар махсус жисмоний тайёргарлигининг асосий жиҳатлари кўрсаткичлари ўзаро боғлиқликларининг корреляцион таҳлили асосида қуйидагилар аниқланди: умумий жисмоний иш қобилияти кўрсаткичи КМЎ қиймати билан сезиларли даражада корреляцияга эга ($0,984, P < 0,01$).

PWC_{170} умумий (“Yo-Yo” тести) ва тезлик чидамлилиги (“7x50м га моқисмон югуриш”) кўрсаткичлари билан мос равишда $r = 0,598$ и $r = 0,512$ ($P < 0,01$) ишончли корреляцияга эга. Умумий жисмоний иш қобилияти кўрсаткичи антропометрик кўрсаткичлар билан ишончли боғлиқликни кўрсатмайди, PWC_{170} /вазнинг тана узунлиги билан корреляция коэффиценти жами $r = -0,122$ ($P > 0,05$) ва тана вази билан $r = -0,118$ ($P > 0,05$) ни ташкил этади.

Жойидан туриб “10 м га югуриш” (бошланғич тезлик) ва “30 м га югуриш” (масофавий тезлик) тестларида аниқланган тезлик имкониятларининг кўрсаткичлари ишончли ўзаро боғлиқ ($P < 0,01$). Тезлик имкониятларининг ривожланиш даражаси тезлик-куч сифатларининг ривожланиш даражаси (узунликка сакраш, $P < 0,01$) билан ҳам ишончли даражада корреляцияга эга.

Бошланғич ва масофавий тезлик кўрсаткичлари тезлик чидамлилиги кўрсаткичи ($r = 0,172$ и $0,145, P > 0,05$) билан ишончсиз боғлиқликка эга. Ўз навбатида, махсус (юқори тезликда) чидамлик кўрсаткичи умумий чидамлик даражаси билан ишончли ўзаро боғлиқ ($r = -0,445, P < 0,01$). Умумий чидамликнинг ривожланиш даражаси кўрсаткичи умумий иш қобилияти PWC_{170} /вазн ($r = 0,598, P < 0,01$) билан ишончли корреляцияланади. Энг кўп ишончли боғлиқликлар махсус (юқори тезликда) чидамлик кўрсаткичи билан аниқланади.

Юқори малакали футболчиларни тайёрлаш тизими самарадорлигини сезиларли даражада пасайтирувчи омиллардан бири – машғулот юкламалари тузилишининг мусобақа фаолияти талабларига мос келмаслиги ҳисобланади. Шунинг учун ҳам тадқиқотнинг мақсадларидан бири юқори малакали футболчилар мусобақа даврининг ўйинлараро циклларида юкламалар тузилишини ўрганишдан иборат бўлди.

Ўйинлараро циклларнинг машғулот юкламалари таҳлили уларнинг аксарияти бир томонлама тавсифга эга эканлигини кўрсатди. Аралаш йўналишли юкламаларга умумий вақт ҳажмининг 73,5%и, тезлик чидамлилигини ривожлантиришга – 10,4%; умумий чидамликни ривожлантиришга – 9,8%; тезлик ва тезлик-куч – 4,7% ва куч сифатларига – 1,6% ажратилди. Ушбу юклама тузилиши бошқа “Суперлига” клублари учун ҳам хос.

Футболчиларни тайёрлашда юқори жадалликка эга машқлардан кам фойдаланилади (ЮҚЧ 160 зарба/дақ дан ортиқ), бу эса организмнинг ЮҚЧ 120-150 зарба/дақ тезлигида интенсивлик билан ишлаш режимига мослашишига олиб келади. Аралаш йўналишли машғулот юкламаларидан устунлик билан фойдаланиш ва уларнинг кам интенсивлиги футболчиларнинг махсус жисмоний тайёргарлигини юқори даражада сақлаб туришга имкон

бермайди. Техник-тактик машқлар юкламасининг ҳажми ўйин талабининг жисмоний ва физиологик параметрларига мос келмади.

Олинган фактларни ҳисобга олган ҳолда, футболчиларнинг махсус жисмоний тайёргарлик даражасини такомиллаштириш бўйича дастурлар ишлаб чиқилди ва педагогик тажрибаўтказилди.

Тажрибада махсус жисмоний тайёргарлиги тахминан бир хил даражада бўлган 17-23 ёшли футболчилардан иборат иккигuruh (назорат гуруҳи – 15 нафар, тажриба гуруҳи – 15 нафар) иштирокэтди. Иккала гуруҳ 8 ой давом этган мусобақа даври давомида машғулот дастурларини бажардилар. Назорат гуруҳи футболчилари анъанавий (умум қабул қилинган) дастур бўйича, тажриба гуруҳи футболчилари эса махсус ишлаб чиқилган машғулот дастури бўйича шуғулландилар.

Ўйинлараро циклларнинг тажриба дастурларини ишлаб чиқишнинг асосий принципал йўналишларига қуйидаги қоидаларни киритиш мумкин:

-тажрибавий ўйинлараро циклдаги иш умумий ҳажмини 375 дақиқадан 495 дақиқагача ошириш (24% га);

- аралаш йўналишдаги юкламалар ҳажмини камайтириш ҳисобига тезлик-куч (40% га) ва куч йўналишли (35% га) иш ҳажмини ошириш томонга юкламалар йўналиши фоиз нисбатини ўзгартириш;

- дам олиш кунидан сўнг циклнинг 3- ва 4-кунда икки марталик машғулотлар доирасида ҳажми бўйича катта юкламани бажариш;

- катта ҳажмдаги машғулот машғулотларини ўтказишда субмаксимал ва максимал тезликлар зонасида ($V \geq 26$ км/соат) футболчиларнинг ҳаракатланишлари ҳажми 1500 м дан 1800 м гача бўлиши керак;

- ўйин машқларини бажариш жадаллигини ошириш (умумий машғулот машғулот вақтининг 60% -65% ни жадаллиги ЮҚЧ 160 зарба/дақ дан ортик бўлган машқлар улушига ажратиш тавсия этилади);

- техник усулларни ритмни ўзгартириб бажариш (аввалига бир текисда кейин кескин тезланиш билан);

- ўйиндан сўнг дарҳол тикланиш тадбирларининг биринчи қисмини ўтказиш ва ўйиннинг кейинги кунда ҳам фармакологик ва педагогик тикланиш воситаларидан фойдаланиш;

- тикланиш тадбирларидан сўнг дам олиш кунини таъминлаш (ўйиндан кейинги иккинчи кунда);

- мусобақанинг биринчи ва иккинчи доиралари ўртасида куч ва тезлик-куч йўналишига эга тўрт ҳафталик машғулот дастурини режалаштириш.

Шу билан бирга, қуйидагилар ҳисобга олинди: куч ва тезлик-куч воситаларини қўллаш, шуғулланувчиларнинг техник-тактик тайёргарлигини такомиллаштиришда ва уларнинг атроф-муҳит ва вақтдаги ҳаракатларини жамлаш қобилиятига ижобий таъсир кўрсатади; куч ва тезлик-куч иши нафақат организмнинг анаэроб ишлаши, балки спортчиларнинг аэроб иш қобилиятининг ошишига ҳам ижобий таъсир кўрсатади.

Тажриба дастурларини ишлаб чиқишда қуйидаги тамойиллардан фойдаланилди: футболчиларнинг техник-тактик маҳоратини такомиллаштириш ва махсус жисмоний тайёргарлик даражасини оширишга

боғланишли таъсир этиш; анаэроб алмашинув чегараси зонасида техник-тактик ҳаракатларни жадаллик билан бажариш; футболчилар организмнинг тўлиқ тикланиши фонида куч ва тезлик-куч йўналишли юкламаларни бажариш.

Мусобақа даври ўйинлараро цикларида турли йўналишдаги машғулот юкламалари куйидагича тақсимланди: аэроб (умумий чидамлилиқ) – 20-25%; анаэроб-алактат ва анаболик (тезлик-куч ва куч) – 40-35%; анаэроб-гликолитик (тезлик чидамлилиги) – 5-10%; аралаш (ҳаракат қобилиятларини комплекс ривожлантириш) – 35-30%. Мусобақа даври ўйинлараро цикларининг юкламалари дастури 6-жадвалда кўрсатилган.

6-жадвал

Мусобақа даврининг 7 кунлик ўйинлараро циклининг юкламалар дастури

Цикл кун-лари	Маш-ғулот раками	Машғулот вазифалари	Юклама йўналиши	Юклама давомийлиги	Юклама жадаллиги
1	Тикланиш тадбирлари				
2	Дам олиш				
3	1	Кучни ривожлантириш.	куч	80	катта
	2	Ҳимояда гуруҳли ўзаро ҳамкорликни такомиллаштириш	аралаш	90	ўртача
4	1	Портловчи қобилиятларни ривожлантириш	куч + тезлик	70	катта
	2	Ҳужумда гуруҳли ўзаро ҳамкорликни такомиллаштириш	аралаш	90	ўртача
5	1	Тезлик-куч қобилиятларини такомиллаштириш	куч+ чидамлилиқ	60	ўртача
	2	Ҳужумда ва ҳимояда жамоавий ўзаро ҳамкорликни такомиллаштириш	аралаш	90	ўртача
6	1	Стандарт қоидаларни такомиллаштириш	аралаш	60	кичик
7	Тақвимий ўйин				

Кўриниб турибдики, ўйинлараро циклда 7 та – 2 та катта, 4 та ўртача ва 1 та кичик ҳажмли машғулотлари ўтказилган. Йўналишига кўра – 2 таси куч, тезлик-куч, аэроб ва 4 таси аралаш йўналишга эга. Машғулот юкламаларининг йўналиши бўйича бундай тақсимланишига сабаб – тезлик-куч юкламалари мушак ишига мослашиш асосини ташкил этувчи мушак тўқимасининг генетик

тузилмаларини сафарбар қилишда энг кучли стимуллар қаторига киради. Куч ва тезлик-куч йўналишига эга юкламалар ўйинлараро циклнинг 3- ва 4-кунида амалга оширилди.

Ўйинлараро циклнинг 6-кунида биттадан техник-тактик йўналишдаги машғулот ўтказилди.

Тажрибадан олдин ва кейин икала гуруҳ футболчилари жисмоний тайёргарликнинг асосий интеграл кўрсаткичи АНАЧ сифатида физиологик параметрларни, умумий жисмоний иш қобилияти қийматини аниқлашни кўзда тутувчи ягона дастур бўйича текширилди. Футболчиларнинг махсус жисмоний тайёргарлиги даражасини баҳоловчи жисмоний сифатлар тест-синовдан ўтказилди.

7-жадвалда тажриба ва назорат гуруҳлари футболчиларининг текширув натижалари бўйича маълумотлар келтирилган.

Тест маълумотларининг таҳлили шуни кўрсатдики, тажриба бошида назорат ва тажриба гуруҳларида махсус жисмоний тайёргарлик даражасида ишончли фарқлар бўлмаган. Махсус дастурни бажаргандан сўнг олинган маълумотлар таҳлиliga кўра, тажриба гуруҳи футболчиларининг махсус ва функционал тайёргарлиги кўрсаткичларида сезиларли ўзгаришлар юз берган.

7-жадвал

Тажриба ва назорат гуруҳлари футболчиларининг тажриба бошида ва якунида ўтказилган тест-синов натижалари

Кўрсаткичлар	Тажриба гуруҳи (n=15)		Фарқ % ларда	Назорат гуруҳи (n=15)		Фарқ % ларда
	1 доиранинг бошланиши	2 доиранинг бошланиши		1 доиранинг бошланиши	2 доиранинг бошланиши	
PWC170, кгм/дак	1674 ± 88	1892 ± 64**	13	1616 ± 72	1690 ± 96*	4,5
КМС мл/дак/кг	59,3 ± 2,4	66,2 ± 1,2**	11,6	58,9 ± 0,8	62,3 ± 1,4*	5,7
ПАНО мл/дак/кг	50,8 ± 2,1	57,1 ± 1,4**	12,4	51,2 ± 2,4	54,3 ± 5,1*	6,0
Ёғ массаси (%)	15,2 ± 4,6	12,6 ± 3,7**	17,1	14,9 ± 1,4	14,1 ± 2,6	5,3
10м га югуриш (с)	1,92 ± 0,03	1,85 ± 0,02*	3,6	1,90 ± 0,02	1,88 ± 0,03	1,0
30м г югуриш (с)	4,33 ± 0,04	4,29 ± 0,03	0,9	4,32 ± 0,05	4,31 ± 0,02	0,2
Юқорига сакраш (см)	42,4 ± 2,7	49,5 ± 1,2**	16,7	43,1 ± 5,4	43,9 ± 1,8*	1,8
7х50м га моксиимон югуриш (с)	64,6 ± 1,8	61,3 ± 1,5*	5,1	64,3 ± 1,2	63,2 ± 2,6	1,7
“ҲО-ҲО” тести (м)	860 ± 20	1020 ± 60**	18,6	880 ± 40	960 ± 80*	9

Изоҳ: Фарқларнинг ишончилиги: * $P \leq 0,05$ да; ** - $P \leq 0,01$ да

Аввало жисмоний тайёргарликнинг интеграл кўрсаткичи ҳисобланувчи умумий жисмоний иш қобилияти даражаси (PWC₁₇₀) 13% га ($P \leq 0,01$) ошди. Назорат гуруҳида ҳам умумий жисмоний иш қобилиятининг кам даражада 4,5% ($P \leq 0,05$) га ўсиши кузатилди. Тажриба гуруҳи футболчиларида аэроб ишлашни тавсифловчи (КМС) кўрсаткич 11,6% ($P \leq 0,01$) га, энергия

таъминотининг анаэроб механизмлари (АНАЧ) кўрсаткичи 12,4% ($P \leq 0,01$) га ошди.

Шунингдек, назорат гуруҳида ўрганилаётган кўрсаткичларда ҳам кичик даражада ўзгаришлар қайд этилди.

Кучга йўналтирилган юкламалар ёғ массаси даражасини 17,1% ($P \leq 0,01$) га ишончли камайтириш имконини берди. Назорат гуруҳида пасайиш сезиларли эмас, 5,3% ($P \geq 0,05$) ни ташкил этди.

Тажриба гуруҳида куч, тезлик-куч қобилятининг намоён бўлиши билан боғлиқ машқларда жисмоний тайёргарлик даражаси кўрсаткичлари бошланғич тезликда 3,6% ($P \leq 0,05$) га; сакрашларда 16,7% ($P \leq 0,01$) га статистик жиҳатдан ишончли яшиланди. Масофа тезлиги натижалари ўзгарди, лекин сезилмас даражада 0,9% ($P \geq 0,05$).

Махсус чидамлилиқни тест-синови кўрсаткичлари статистик жиҳатдан сезиларли даражада яшиланди: “7x50м га югуриш” да 5,1% ($P \leq 0,05$); «ҲО-ҲО» тестида 18,6% ($P \leq 0,01$). Назорат гуруҳида ҳаракат қобилятининг кўрсаткичлари ҳам кам даражада ўзгарди. Демак, бошланғич тезликда вақт - 1,0% ($P \geq 0,05$) га, масофа тезлигида 0,2% ($P \geq 0,05$) га; юқорига сакрашда 1,8% ($P \geq 0,05$) га пасайди. Чидамлилиқнинг намоён бўлиши билан боғлиқ тестларда сезилмас фарқлар қайд этилди – 7x50 м га моккисимон югуришда вақт 1,7% ($P \geq 0,05$)га, «ҲО-ҲО» тестида 9% ($P \leq 0,05$) га қисқарган.

Назорат ва тажриба гуруҳлари футболчиларининг мусобақа давридаги техник-тактик ҳаракатлари (ТТХ) динамикаси тўғрисидаги маълумотлар 8-жадвалда келтирилган.

8-жадвал

Назорат ва тажриба гуруҳлари футболчиларининг мусобақа давридаги техник-тактик ҳаракатлари (ТТХ) кўрсаткичлари

Кўрсаткичлар	Тажриба гуруҳи		Фарқ % ларда	Назорат гуруҳи		Фарқ % ларда
	Мусобақа даврининг 1 доираси	Мусобақа даврининг 2 доираси		Мусобақа даврининг 1 доираси	Мусобақа даврининг 2 доираси	
∑ ТТХ	744 ± 56	920 ± 71*	23,6	712 ± 66	790 ± 59*	10,9
Хатолар фоизи	41,2 ± 6,2	30,7 ± 4,7*	25,4	40,9 ± 5,7	39,3 ± 6,9	3,9
Тўпни олиб кўйишдаги нуқсонлар % и	55,3 ± 12,7	36,8 ± 14,2**	33,4	57,1 ± 8,4	55,9 ± 10,2	3,6
Ўйинда тўпни ушлаб қолишдаги нуқсонлар % и	63,6 ± 9,3	44,2 ± 8,6**	30,5	60,8 ± 4,2	58,1 ± 4,8	4,4
Ҳавода яккакурашдаги нуқсонлар % и	58,5 ± 11,1	41,3 ± 9,4**	29,7	56,4 ± 5,7	54,3 ± 4,1	3,7
Тўпни эгаллаш % и	57,8 ± 5,3	68,2 ± 4,2*	17,9	58,1 ± 7,8	62,3 ± 6,3*	7,2
Ҳужумлар тезлиги (с)	45,7 ± 6,8	34,9 ± 3,6*	23,6	41,8 ± 5,2	39,6 ± 4,2	5,2

Изоҳ: фарқларнинг ишончлилиги: * $P \leq 0,05$ да; ** $P \leq 0,01$ да.

Кўриниб турибдики, тажриба бошланишидан аввал иккала гуруҳда ҳам техник-тактик ҳаракатлар (ТТХ) ҳажми ва самарадорлиги жиҳатидан сезиларли даражада фарқ бўлмаган. ТТХ таҳлили, ишлаб чиқилган дастурлар бажарилгандан сўнг, тажриба гуруҳи футболчилари кўрсаткичларида

сезиларли ўзгаришларни кўрсатди. Шундай қилиб, ТТХ ни бутун жамоа бўлиб бажарганда ҳажм 23,6% ($P \leq 0,05$) га ошди ва нуқсонлар улуши 25,4% ($P \leq 0,05$) га пасайди. “Тўпни олиб қўйиш” да нуқсонлар улуши 33,4% ($P \leq 0,01$) га, “ҳавода яккакурашда” 29,7% ($P \leq 0,01$), “ушлаб қолишлар» бўйича ўйинда 30,5% ($P \leq 0,01$) га пасайди. Тўпга эгалик қилиш вақти 17,9% ($P \leq 0,05$) га ошди ва ҳужум тезлиги вақти 23,6% га қисқарди. Назорат гуруҳида ҳам ТТХ нинг ҳажми ва самарадорлигида ўзгаришлар кузатилди, лекин сезилмас даражада.

Расмий ўйинларда тажриба дастурларини бажаргандан кейин футболчиларнинг ҳаракат фаоллиги динамикасини таҳлил қилиш муҳим аҳамиятга эга. 9-жадвалда назорат ва тажриба гуруҳлари футболчиларининг мусобақа фаолияти шароитидаги ҳаракат фаоллиги бўйича маълумотлар келтирилган.

